

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ MO-P 9-2
2017 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
урта махсус таълим вазирининг
2017 йил “30” Май даги
874 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.

«ТАЪЛИМ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ»

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини
кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

Мазкур ўқув дастури Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ва Лондон Метрополитен университети (Англия) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2017 йил 22 ноябр даги 5 -сонли баёни билан маъқулланган.

- Тузувчилар:**
- “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.
 - “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, п.ф.н. доц. М.Усманбаева, кат. ўқит. Р.Ишмухамедов.
 - “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, т.ф.н. Д.Иргашева, кат. ўқит. В. Ҳамидов.
 - “Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит. У.Гиясова.
 - “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: с.ф.д., профессор С.Жўраев, т.ф.д., проф. С.Абдурахимов, п.ф.н. Х.М.Алимов.
 - Махсус фанлар бўйича:** проф. А.Круглов, проф. Д.Уорен, проф. Д.Габриэл, Д.Гулямова, доц. Б.Раджабов, доц. Б.Назаров, проф. М.Каримов, проф. Г.Ирмухамедова, доц. Ш.Хусаинов, доц. Р.Исянов, доц. Я.Исмадияров, кат.ўқит. С.Иргашева, У.Нурджанова, И.Ихласова.
- Такризчилар:** и.ф.д., проф. А.Ш.Бекмуродов,
п.ф.д., проф. Н.М.Эгамбердиева.

Ўқув дастури БИММ Илмий-методик Кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган. (2017 йил “___” _____ даги ___-сонли баённома)

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастурда мазмунида олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш, таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги, АКТ ва таълим сифатини таъминлаш, олий таълим муассасаларининг электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари, шунингдек, олий таълимда сифат маданиятини ривожлантириш масалалари қамраб олинади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларда ОТМда сифатни таъминлаш борасида раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш, таълим сифатига эришиш, инновацион менежмент, таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари, таълим сифатини бошқаришнинг хусусиятлари ва уни таъминлашда раҳбар кадрларнинг ўрни ҳамда вазифалари, таълим сифатини таъминлашнинг ташкилий муҳити, таълим сифати мониторинги ва назорати, шунингдек, бошқарув стратегиялари соҳасидаги зарурий янги билим, кўникма ва малакаларни ҳамда компетенцияларни ўзлаштиришга хизмат қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси қуйидаги ўқув модулларидан иборат:

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услугий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

АКТ ва таълим сифатини таъминлаш.

Олий таълим муассасаларининг электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш.

IV. Амалий хорижий тил

Инглиз тили ва уни ўрганишдаги асосий аспектлар.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

Тизимли таҳлил асослари.

Бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари.

VI. Махсус фанлар

Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндошувлари, таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари.

ОТМларда таълим сифатини бошқаришнинг хусусиятлари, уни таъминлашда раҳбар кадрларнинг роли ва функциялари.

ОТМларда таълим сифатини таъминлашнинг ташкилий муҳити, таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни жалб этиш.

Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежмент.

Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар.

Таълим сифати мониторинги ва назорати.

VII. Малакавий амалиёт (соҳалар бўйича фаолиятни ташкил этиш)

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

“Таълим сифати менежменти” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг мақсади - ОТМлари раҳбар кадрларининг таълим сифати менежменти борасидаги янги билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш асосида уларнинг таълим сифатини таъминлаш ва бошқариш соҳасидаги инновацион компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

“Таълим сифати менежменти” курсининг асосий вазифалари сифатида тингловчиларни олий таълим сифатини бошқариш соҳасидаги энг янги ютуқлар, таълим сифатини таъминлашнинг замонавий ёндошувлари, инновацион йўналишлари, соҳадаги халқаро тажрибалар билан таништириш ҳамда уларда таълим сифатини бошқариш бўйича янги билим, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш ҳисобланади.

Шунингдек, курс давомида тингловчилар томонидан қуйидагиларни тушуниш ва чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган:

- таълим сифатини ўрганишга бўлган замонавий ёндошувларнинг моҳияти;
- таълим сифатини бошқариш соҳасида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, уларни таълим амалиётида қўллаш сифати ва механизмлари моделлари;
- олий таълим муассасаларида сифатни бошқариш хусусиятлари;
- таълим сифатини таъминлашда ўқув-тарбиявий жараён имкониятлари;
- сифатга эришишни ташҳис қилиш ва баҳолаш методлари: педагогик квалиметрия;

- раҳбар кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш механизмлари.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Таълим сифати менежменти” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- “таълим сифати”, “таълим сифати маданияти”, “таълим сифатини бошқариш” тушунчаларига нисбатан замонавий ёндошувлар моҳияти;
- шахс таълими, тарбияси ва ривожланиши жараёнида сифатни таъминлаш тизими;
- олий таълим сифатини таъминлаш тизимлари ривожланишининг замонавий тенденциялари;
- таълим сифатини таъминлаш тамойиллари;
- олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқариш моделлари ва механизмлари;
- бошқарув фаолиятининг мақсади, мазмуни, асосий вазифалари ва методлари;
- таълим сифатини ривожланишига таъсир қилувчи турли хил ташқи омилларни баҳолаш ва тизимли таҳлил қилиш методлари;
- сифатни таъминлаш соҳасида инновацион фаолият асослари;
- таълим жараёнлари сифатини бошқаришда ахборот-коммуникация технологиялари;
- таълим сифатини таъминлаш тизими индикаторлари;
- сифатни таъминлаш жараёнида тезкор, тактик ва стратегик режалаштириш методлари;
- таълим сифатини таъминлаш соҳасида раҳбар кадрларнинг роли ва вазифалари;
- таълим сифатини таъминлашда халқаро ташкилотлар билан ишлаш механизмлари;
- ОТМда таълим сифатини мустақил баҳолаш методлари ва механизмлари ҳамда уларнинг натижаларидан сифатни таъминлаш мақсадли фойдаланиш йўллари **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим сифатини таъминлаш ва ошириш борасида ОТМ стратегиясини ишлаб чиқиш;
- ОТМда сифат маданиятини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим жараёнининг барча иштирокчиларида (профессор-ўқитувчилар таркиби, ходимлар, талабалар, ота-оналар, иш берувчилар ва б.) сифатни таъминлаш жараёнида фаол иштирок этишга нисбатан мотивация уйғотиш;
- сифат муаммоларини аниқлаш ва уларнинг самарали ечимини топишда ички заҳиралардан ўринли фойдаланишни таҳлил қилиш, баҳолаш ва башорат қилиш;
- таълим сифати мониторинги тизимининг самарали бошқарувини амалга ошириш;
- таълим муассасаси ва педагогик кадрлар аттестацияси натижалари ҳамда таълим муассасаси иқтисодий кўрсаткичлари асосида таълим сифатини такомиллаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш;
- таълим сифатини таъминлаш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни жалб қилиш;
- сифатни таъминлаш соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш;
- сифатни таъминлаш соҳасида миллий ва халқаро даражаларда ўзаро ҳамкорликни рағбатлантириш **кўникма ва малакаларига** эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- ОТМда сифат маданиятини такомиллаштириш жараёнида етакчилик хислатларини қўллаш, ўз-ўзини касбий ва шахсий ривожлантириб бориш;
- таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари ўртасидаги узвий боғлиқликни ривожлантириш;
- таълим сифати ва бошқарув вазифаларини ҳал этишда таълим менежментидаги замонавий ёндашувлардан фойдалана олиш ҳамда такомиллаштириш;
- таълим жараёни сифатини ташхис қилиш ва баҳолашнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш;
- фан-техниканинг илғор тажрибалари, инновациялари, илмий тадқиқотлар натижаларини ўзлаштириш, таҳлил этиш ва таълим сифатини таъминлаш жараёнларига татбиқ этиш **компетенцияларига** эга бўлиши керак.

Курс хажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

Курс бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш режа-жадвали

Тайёргарлик йўналишлари	Ҳафта лар	Сессиялар номи	Модул лар	Соат
I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари	I-II-III-ҳафта-лар	<i>Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари</i>	1.1.	4
		<i>Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари</i>	1.2.	6
II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат		<i>Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш</i>	2.1	10
		<i>Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги</i>	2.2.	10
III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш		<i>АКТ ва таълим сифатини таъминлаш</i>	3.1.	8
		<i>Олий таълим муассасаларининг электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш</i>	3.2.	6
IV. Амалий хорижий тил		<i>Инглиз тили ва уни ўрганишдаги асосий аспектлар</i>	4.1.	24
V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари		<i>Тизимли таҳлил асослари</i>	5.1.	8
		<i>Бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари</i>	5.2.	8
VI. Махсус фанлар	III-IV-ҳафта-лар	<i>Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари</i>	6.1.	6

		<i>ОТМларда таълим сифатини бошқаришнинг хусусиятлари, уни таъминлашда раҳбар кадрларнинг роли ва функциялари</i>	6.2.	8
		<i>ОТМларда таълим сифатини таъминлашнинг ташкилий муҳити</i>	6.3.	8
		<i>Таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари</i>	6.4.	8
		<i>Таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни жалб этиш</i>	6.5.	6
		<i>Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежмент</i>	6.6.	8
		<i>Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар</i>	6.7.	6
		<i>Таълим сифати мониторинги ва назорати</i>	6.8.	6
		<i>Гуруҳда ишлашни ташкиллаштириш технологиялари</i>	2.1.	4
				144
	V-VI-VII- хафта- лар	Мустақил таълим		102
VII.	VII - VIII- хафта- лар	Малакавий амалиёт		28
VIII. Малакавий аттестация	VIII- хафта	Малакавий аттестация: Битирув лойиҳа иши ҳимояси, online тест синовлари		14
Жами				288

“Таълим сифати менежменти” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига ва таълим-тарбия масалалари.

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожига. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янги назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарори, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4958-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1533-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагоглари танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123-сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг муҳим йўналишлари. Таълим босқичларининг ўзаро мазмунан боғлиқлиги, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш. Таълим сифатини ошириш - олий таълим тизимини модернизациялашнинг устивор йўналишларидан бири сифатида.

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. ОТМлари ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини жорий қилиш. Модулли-кредит тизими. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини бошқариш. Электрон ўқув модулларини яратилиши ва сифатини таъминлаш. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик технологиялар, компьютер ва Интернетдан фойдаланиш бўйича саводхонлигини доимий ошириб бориш. ОТМларида модераторлар, кейсологлар фаолиятини ташкил этиш.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзуларини такомиллаштириш, амалиётга боғлаш. Малакавий амалиёт базаларини янгилаш ва дастурларини такомиллаштириш. ОТМнинг ахборот-ресурс ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини ривожлантириш. Соҳага оид илғор тажрибаларни ўрганиш.

Таълим сифатини таъминлаш тамойиллари ва жараёнлари. Тизимлилик, оқилоналилик, равшанлик, узвийлик, башорат қила билишлик ва мослик тамойиллари. Таълимда компетентли ёндошув. ОТМлар битирувчилари касбий компетентлигини ошириш.

2.2. Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги.

Бошқарув компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Таълим менежерининг коммуникатив, психологик, ташкилотчилик, информацион, креатив, инновацион

компетентлиги мазмун-моҳияти. Бошқарув маҳорати асослари ва таркибий қисмлари. Нотиклик маҳорати. Таълимда менежерлик фаолияти ва уни ташкил этиш. Раҳбарнинг иш услуби. Бошқарувда вақт менежменти. Раҳбарлик этикаси ва маданияти. Ходимлар билан муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Бошқарув низоларини самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий раҳбар имиджи ҳамда раҳбарнинг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Таълим менежерининг креатив салоҳияти. Раҳбарларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, акмеологик модели. Бошқарув вазифаларини ҳал этишда креативлик. Бошқарув фаолиятида ижобий (позитив)-фаол мотивация ва раҳбар кадрлар креатив салоҳиятини баҳолаш мезонлари.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. АКТ ва таълим сифатини таъминлаш.

Ахборотлашган жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг мақсадлари ва вазифалари. Таълимда ахборот ва ахборот-фаол моделларни ҳаётга татбиқ этишда ахборот ва компьютер технологиялари. Талабалар билиш фаолиятини фаоллаштиришда ахборот ва компьютер технологиялари. Талабалар ўқув натижаларини назорат қилиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини ҳаётга татбиқ қилишда ахборот ва компьютер технологиялари. Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралик ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Ахборот тизимлари. Ахборот тизимларини ва технологияларини бошқариш. Давлат ахборот тизимлари. Интерфаол хизматлар.

Таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари. Сифат мониторингини олиб боришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

3.2. Олий таълим муассасаларининг электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш.

Электрон ахборот таълими муҳити ва унинг моделлари. Электрон ахборот таълими функционал структураси. Электрон ахборот таълими муҳитининг компоненталари. Амалдаги электрон ахборот таълими тизимларининг таҳлили. ОТМларнинг бошқарув тизимида электрон ахборот таълими тизимининг роли. Электрон ахборот таълимига ресурсларни жойлаштириш. Электрон ахборот таълимидаги ресурслардан фойдаланиш. Электрон ахборот таълимининг маълумотлар базаси билан ишлаш. Масофавий таълим платформаси ва компоненталари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Инглиз тили ва уни ўрганишдаги асосий аспектлар.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсификатив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: бошқарувнинг интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Раҳбарлик фаолиятига оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, бошқарув жараёнлари, ҳамкорлар билан учрашувлар, тақдимотларда хорижий тилдаги мулоқот кўникмаларини ривожлантириш.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методлари ва методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуб ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Қарор қабул қилиш усуллари. Бошқарувда тизимли таҳлил хусусиятлари.

5.2. Бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари.

Бошқарув қарорлари тушунчаси, таснифи, турлари. Бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсир этувчи омиллар: шахсий-компетентли, вақт, инфорацион ва бошқ. Бошқарувда тактик ва стратегик қарорлар қабул қилиш. Қарор қабул қилиш даражалари ва босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Низоли вазиятларда бошқарув қарорларини қабул қилиш технологиялари, тизимли, вазиятли, интуитив ёндашув. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

VI. Махсус фанлар

6.1. Сифатни таъминлашнинг замонавий ёндашувлари.

Таълимда сифат категорияси. Олий таълим тизими бошқарув муҳитида сифатни таъминлаш ва ошириш. Сифатни баҳолаш, аудит ва сифат аккредитацияси. Замонавий таълим сифатини шакллантириш ОТМнинг стратегик мақсади сифатида. Таълим сифатини ошириш йўллари. Таълим сифати ва компетентли ёндошув. Янги сифатга эришиш бўйича фаолиятнинг асосий йўналишлари. Таълим сифатини бошқариш. Таълим сифатини бошқаришнинг асосий жараёнлари. Таълим эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва таълим сифатини таъминлаш ва ошириш бўйича стратегик режалаштириш. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва сифатини яхшилашга нисбатан мотивацияни шакллантириш. Таълим сифатини таъминлашда халқаро стандартлардан фойдаланишга нисбатан турли хил ёндашувлар.

6.2. ОТМларда таълим сифатини бошқаришнинг хусусиятлари, уни таъминлашда раҳбар кадрларнинг роли ва функциялари.

Таълим сифатини бошқаришнинг асосий вазифалари. Таълим сифати бошқарувини такомиллаштириш омиллари. Раҳбар шахси, раҳбарлик услуби ва бошқариш самарадорлиги. Ўқитиш сифатини таъминлаш бўйича педагогик жамоани бошқариш стратегияси. Қўллаб-қувватлаш ва мотивация. Ўқитиш сифатига эришиш бўйича ҳаракатлар мақсади ва режасини аниқлаш. Айрим бўлинмалар ёки ходимлар ўртасида ўқитиш сифатини ошириш бўйича вазифаларни тақсимлаш ва улар ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрнатиш. Олдиндан режалаштирилган ишларни амалга оширишга ва олдинга қўйилган мақсадларга етишишга нисбатан ижрочиларда мотивация пайдо қилиш. Реал қўлга киритилган натижаларни назорат қилиш. Кадрлар менежменти.

Таълим сифати компонентлари. Таълимни бошқариш тизими, сифатни таъминлаш тизими ва сифатни тасдиқлаш тизими. Таълим сифатини бошқариш функциялари. Таълим сифатини таъминлаш ва бошқаришнинг ташкилий тузулмаси. Таълим сифатини бошқаришнинг долзарб муаммолари. Таълим сифатини бошқаришда хатти-ҳаракатлар алгоритми. Таълим сифатини бошқаришнинг мотивацион модули хусусиятлари. Таълимни бошқаришнинг умумий схемаси: сифатнинг режаси ва дастури, ички текширув режалари, иш режалари.

Таълим сифатини бошқаришнинг турли хил даражалардаги хусусиятлари. Компетентли ёндошув доирасида таълим сифатини баҳолаш.

Сифат соҳасида раҳбарлик сиёсати. Фаолиятнинг сифати ва йўналишлари бўйича қўлланма. ОТМлар стандартлари. Фаолият йўналишлари бўйича методик кўрсатмалар.

Сифатни таъминлашда ўз ўзини баҳолашнинг моҳияти. Тегишли мезонлар бўйича доимий ўз ўзини баҳолашни амалга ошириш. Ўқитувчилар ва ходимларда, битирувчи талабаларда, истеъмолчиларда сўров ўтказиш. Талабалар томонидан ўқув предметларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

6.3. ОТМларда таълим сифатини таъминлашнинг ташкилий муҳити.

Таълим жараёнининг иштирокчилари (профессор-ўқитувчилар таркиби, ходимлар, талабалар, ота-оналар, иш берувчилар ва бошқалар) таълим тизими ривожланишини таъминлашнинг асосий омили сифатида. Таълим хизматлари кўрсатиш сифатининг кўрсаткичлари: олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, давлат аккредитацияси ва лицензия бериш кўрсаткичлари, олий таълим сифатини кафолатлаш учун стандартлар ва тавсиялар. Ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқа хусусиятлари. Иш берувчиларни дарс беришга жалб этиш тамойиллари. Малакавий амалиётни самарали ташкил этиш. Меҳнат бозорининг мониторингини амалга ошириш. ОТМларда таълим дастурларининг очилиши ва фаолият кўрсатилишига нисбатан норматив талаблар. Таълим дастурларининг устивор компетенцияларини аниқлашда иш берувчилар фикрини инобатга олиш.

6.4. Таълим сифатини таъминлаш тизимининг индикаторлари.

Таълим индикаторларининг асосий функциялари: касбий таълим провайдерлари даражасида сифатни ошириш маданиятини ривожлантиришга ёрдам бериш; таълим сифатини аниқлаштириш; таълим беришда ўзаро ишончни ошириш; касбий таълим сифатини оширишда ўқитувчилар ва раҳбарларнинг иштирокини таъминлаш; меҳнат бозори талабларининг ўзгаришларига касбий таълимнинг мукамал мослигига эришиш; таълим имкониятларини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш; таълим берувчилар ютуқларини оширишга ёрдам бериш.

6.5. Таълим сифатини таъминлаш жараёнига талабаларни жалб этиш.

Олий таълим сифатини кафолатлаш тизимида талабаларнинг иштироки. Таълим курслари ҳақида талабаларнинг фикр-мулоҳазалари (сўровнома ўтказиш, жамоат вакиллари, талабалар касаба уюшмалари, гуруҳ фаоллари). ОТМ даражасида қарор қабул қилишга талабаларни жалб этиш. Таълим жараёнини яхшилаш ва такомиллаштиришга талабаларнинг таъсирининг шакллари.

Миллий тизимларнинг талабларига боғлиқ ҳолда сифат кафолати жараёнига талабаларни жалб этиш. Олий таълим соҳасида талабаларнинг маданий ва тарихий роли.

Баҳолаш жараёнига талабаларни жалб этиш: ўз ўзини баҳолаш, гуруҳдошларнинг баҳолаши, ўзининг ривожланишини кузатиш, ўқув материаллари ва дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш. Халқаро миқёсда талабалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. Ёшлар жамоат ташкилотларини жалб этишнинг замонавий шакллари.

6.6. Таълим сифатини таъминлашда инновацион менежмент.

Таълимда инновацион менежмент: асосий йўналишлари ва вазифалари. Таълим менежментининг анъанавий ва инновацион модели. ОТМ имижини ва рақобатбардошлигининг хусусиятлари. ОТМ раҳбариятининг таълим жараёни сифатини объектив, ички баҳолашдан манфаатдорлиги. Таълимда инновацион менежментнинг замонавий методологиясини қўллаш (ИСО 9001 сериядаги сифатнинг халқаро стандартлари). Сифат менежменти тизими тамойиллари

(СМТ). Таълим хизматлари сифатини таъминлаш. ОТМ ўқув жараёнларини ташкил этиш ва натижасини баҳолашда инновацион ёндашув. Таълим сифатини баҳолашнинг жорий ички назорати. Педагог кадрлар фаолиятининг сифатини баҳолаш ва ўлчаш.

6.7. Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг халқаро методлари. Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар (Университетларнинг Европа ассоциацияси, Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа тармоғи, Европа комиссияси, Европа талабалари Европа иттифоқи, шунингдек, миллий агентликлар ва ассоциациялар, университетлар ва вазирликлар). ҚАА – олий таълим сифатини назорат қилиш бўйича Агентлик. Сифат кодекси. Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий мақсадлари. Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Баҳолаш жараёнини танлашда ўзга давлатларга ва ОТМларга боғлиқ эмаслиги ва мустақиллиги, ўзини ўзи баҳолаш жараёнлари ва уларнинг қўлланилиши, экспертлар томонидан амалга ошириладиган ташқи баҳо ва ҳисоботни чоп эттириш.

Маҳоратли экспертлар томонидан ОТМларнинг баҳоланиши. Махсус аккредитация орқали баҳолаш ва ўзини ўзи баҳолаш. Давлат агентликлари томонидан баҳолаш ва аккредитациялаш.

Алоқа ўрнатиш ва кенгайтириш. Сифатни таъминлаш бўйича халқаро миқёсда чоп этилган адабиётлар.

6.8. Таълим сифати мониторинги ва назорати.

Таълим сифати мониторингнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари. Таълим сифати мониторинги шакллари, методлари ва турлари. Таълим сифати мониторингини ташкил этишнинг асосий йўналишлари, йўл-йўриқлари.

Ўқув материални ўзлаштириш сифатини назорат қилиш. Педагогик квалиметрия муаммолари ва таълимнинг баҳоси. Талабаларни аттестация қилиш хусусиятлари. Таълим сифатини баҳолашда назорат жараёнлари ва назорат-баҳолаш тадбирлари тизими. Талабалар билимларини баҳолашнинг рейтинг тизими.

Таълим сифатини назорат қилиш тизими. Тасдиқланган жадвалга мос ҳолда ўтказиладиган жорий, оралиқ ва якуний назорат.

Давлат аттестацияси (давлат имтиҳонлари, битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳимояси). Давлат ижтимоий назорати (олий таълимни бошқариш бўйича масъул давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачиси томонидан ўрнатилган тартибда амалга ошириладиган назорат). Ташқи назорат (педагог кадрларни ва таълим муассасаларининг аттестациясини бошқарадиган Давлат тест маркази томонидан ўрнатилган тартибда амалга ошириладиган ОТМлардаги кадрлар тайёрлаш сифатининг назорати). ОТМлар фаолияти баҳоси ва рейтинги. (Ўзбекистон Республикаси ОТМларини давлат аккредитациядан ўтказиш бўйича норматив ҳужжатлар асосида фаолиятни баҳолаш, тегишли кўрсаткичлар, мезонлар ёрдамида аниқлаш).

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар жараёнида тингловчиларда таълим сифатини бошқариш фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг амалий жиҳатлари ривожлантирилади. Амалий машғулотлар кичик гуруҳларда таълимнинг интерфаол методларини қўллаган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Лойиҳа устидаги индивидуал иш тингловчиларга қуйидаги имкониятларни беради:

- ташкилотларнинг стратегик устиворликларига, эҳтиёжларига ва қизиқишларига мос ҳолда институционал даражада сифатни таъминлаш ва оширишнинг амалий жиҳатларини ўрганиш;

- курс жараёнида ўзлаштирилган билимларни, хусусан, сифатни таъминлашнинг концепция ва тамойиллари, миллий талаблар, халқаро тажрибаларни амалий фаолиятнинг аниқ соҳаларида қўллаш;

- кичик гуруҳларда тажриба ва ғоялар билан ўртоқлашган, маълумотларни тўплаган, муаммоларни таҳлил қилган ва қарорни ишлаб чиққан ҳолда ҳамкорликда ишлаш;

- ўзгалар билан ўзининг янги ғоялари ва билимларини ўртоқлашиш ва ҳамкасбларидан тақриз ва таклифлар олиш мақсадида курснинг барча тингловчиларига ўз лойиҳасидан келиб чиқадиган хулосаларни тақдим этиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ҳамда ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Лойиҳа устида гуруҳ ишини ташкил этиш босқичлари

Лойиҳа устида гуруҳ иши курс дастурининг тўртинчи ҳафтаси охирида ташкил этилади ва бунда:

- курс тингловчилари умумий қизиқишлари ҳамда фаолият соҳалари асосида 3-5 кишилиқ гуруҳларга бўлинади;

- гуруҳлар турли хил ОТМларида турли хил вазифаларни бажарадиган (масалан, ўқув ишлари бўйича, илмий тадқиқотлар бўйича, молия-иқтисод, маънавий-маърифий ишларни бошқариш бўйича) раҳбар кадрлардан ташкил топади;

- тўртинчи ҳафта якунида ҳар бир гуруҳ танлаган мавзуларини ўрганиш учун таклифлар ва фаолият режаларини ишлаб чиқади.

Мустақил таълим учун ажратилган вақт давомида гуруҳлар фаолият режалари асосида иш олиб борадилар ва лойиҳа натижаси юзасидан тақдимот тайёрлайдилар.

Мустақил таълим даврида гуруҳлар қуйидаги ёрдамларни олиши мумкин:

а) ҳар бир гуруҳ курс тренерларидан алоҳида маслаҳатчи олиши;

б) виртуал ўқув платформасидан тегишли маълумотлар олиши ва тьюторлик хизматидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг охирига ҳафтасида (тасдиқланган режа-график асосида) ҳар бир гуруҳ фаолият режаси асосида лойиҳа мавзуси бўйича қилинган ишлар, олинган натижалар ва хулоса-тавсиялари тўғрисида тақдимот (30 дақиқа) қилади.

Тақдимотда гуруҳнинг барча аъзолари иштирок этади. Шунингдек, тақдимот якунида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси лойиҳа иши давомида нималарни ўрганганлигини акс эттирувчи қисқача индивидуал ҳисобот (1бет) тайёрлайди. Тақдимотларнинг электрон базасини шакллантириш учун улар видео кўринишида ёзиб олинади (маълумотни виртуал ўқув платформага жойлаштириш мумкин бўлади).

Ҳар бир тақдимотдан сўнг лойиҳа ишларининг SWOT-муҳокамалари ташкил этилади.

Лойиҳа ишининг баҳоси “ўтди-ўтмади” кўринишида гуруҳ тақдимоти ва индивидуал ҳисобот асосида амалга оширилади.

Лойиҳани расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

Лойиҳа қуйидаги тартибда расмийлаштирилиши зарур:

лойиҳанинг мавзуси;

лойиҳа бўйича гуруҳ аъзолари (исми шарифи, ОТМ, бошқарув йўналишлари, контакт манзиллари, электрон почтаси);

лойиҳани асослаш (*долзарблиги, таълим сифатини таъминлашга таъсири*);

лойиҳага нисбатан ёндошув (*инновацион ва креатив ёндашув*);

мақсадлар (*мақсади, вазифалари, кутилаётган натижа*);

лойиҳа бўйича ҳаракат режаси (*чора-тадбирлар, ижро муддати, маъсуллари ва натижа шакли*).

Индивидуал ҳисоботларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

Индивидуал ҳисобот қуйидаги тартибда расмийлаштирилиши зарур:

тингловчининг исми шарифи;

ташкilotи;

лойиҳа гуруҳи.

Ҳисобот мазмуни: лойиҳа тақдимотидан олинган учта янги ғоя; лойиҳани амалиётга жорий этиш учун учта таклиф; мазкур курсдан ўзлаштириб олинган учта муҳим сабоқ, масалан, менинг ОТМда сифатни таъминлаш тизимини яхшилаш учун ва ҳ.

Лойиҳа тақдимотини баҳолаш мезонлари:

- мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифаларининг аниқ белгиланганлиги, ишнинг концепциясини аниқ қўйилиши, унинг маънавий-маърифий, ўқув, илмий ва бошқа фаолият турлари мазмунини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлардаги замонавий талабларга мослиги;

- мавзу бўйича муаммони ечимига қаратилган таклифларни ишлаб чиқишда асосли таҳлиллар (меъёрий ҳужжатлар, илғор таълим технологиялари, методик ёндошувлар ва б.) амалга оширилганлиги;

- ишлаб чиқилган таклифларнинг ўқув жараёнини сифатини таъминлаш, илмий ва маънавий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилиши даражаси;

- тингловчининг креативлиги, нутқ маданияти, касбий компетентлик даражаси;

- тингловчининг берилган саволларга аниқ жавоб бериши, мустақил қарашларининг шаклланганлиги.

Яқуний хулоса: Ўтди/ўтмади.

Индивидуал ҳисоботларни баҳолаш мезонлари:

- тақдимотларни онгли ҳолда тушуниш;

- сифатни таъминлаш концепцияларини, сиёсатини, стандартларини ва амалиётини танқидий тушуниш;

- курсда ўқиш жараёнида олинган маълумотларни танқидий таҳлил қилиш.

Яқуний хулоса: Ўтди/ўтмади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, вебинар технологиялар ва on-line маслаҳатлар, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Шунингдек, таълим сифатини ошириш масалалари бўйича журналларда чоп этилган илмий мақолалар, халқаро ва республика конференциялари, семинарлар материаллари тавсия этилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011. -440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 591 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.

3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПП ВГУ, 2010. 662 с.

4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.

5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.

6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.

7. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

8. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.

9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана, 2002.-336с.

10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.

11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000.–176 с.

12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.

13. Сагтаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: Дело, 1997.
17. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. – Т.: Мехнат, 1999.
18. Liston C. Managing quality and standards. Buckingham. - UK: OPen University Press, 1999.
19. Stella A. Quality assurance mechanisms in higher education in the Asia-Pacific. desk study overview commissioned by the Higher Education Division of UNESCO, Paris, 2004.
20. European Association for Quality Assurance in Higher Education (ENQA). Стандарты и рекомендации для гарантии качества высшего образования в европейском пространстве.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. [www. Ziyonet. uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. www. edu. uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>

“КЕЛИШИЛГАН”:

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг
жорий этилишини назорат қилиш
Бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи _____ С.С.Ниязбеков

“ _____ ” _____ 201__ й.

М.Ў.

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази

Директор в.б. _____ Т.Т.Шоймардонов

“ _____ ” _____ 201__ й.

М.Ў.

